



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

Farg'ona sh., Alisher Navoiy ko'chasi, 15-uy

2021-yil 08 - февраль \_\_\_\_\_ 43 -son

Farg'ona sh.

## **Вилоятда ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда 2021 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, молия ва Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари томонидан 2021 йил 13 январ куни ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган 2021 йил учун давлат кўчмас мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига мувофиқ,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан 2021 йил 13 январ куни ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган 2021 йил учун давлат кўчмас мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари амалда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

2. Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси мазкур иловада кўрсатилган ягона энг кам миқдордаги ижара ставкаларидан ижара ҳақининг шартнома қийматини белгилашда таянч ставка сифатида фойдалансин.

3. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарорининг 3-1-бандига асосан давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 256-моддасига мувофиқ, давлат мол-мулкани ижарага беришда тузиладиган ижара шартномаларида қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинсин.

Бунда қўшилган қиймат солиғи ижарага берилаётган мол-мулкнинг ҳисобланган ижара суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиб, ижара шартномалари белгиланган тартибда расмийлаштирилсин.

6. Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Х.Сирожитдинов), Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Рахмонов), давлат мулкани балансда сақловчилар билан биргаликда давлат мулкларини хатловдан ўтказиб борсин ҳамда ижарага берилган мулкларни доимий мониторингини юритсин.

Белгилаб қўйилсинки, балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари ўз тасарруфларида бўлган фойдаланилмаётган ҳамда ижарага берилаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

7. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Рахмонов) шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қуватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сонли қарорига асосан шаҳар ва туманлар ҳокимларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни) ижарага бериш бўйича берилган ҳуқуқлардан амалда фойдаланишини таъминласин.

8. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Рахмонов):

хатлов натижасида аниқланган фойдаланилмаётган, бўш турган давлат мулкани белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ишларини жадаллаштирсин;

ижарага берилган давлат мулки тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига, ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача тегишли равишда вилоят Молия бош бошқармасига ва Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этиб борсин;

ижарага берилган давлат мулкларини ҳисобидан ижара тўловларини ўз вақтида ундириш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар қўришга ҳамда тўловларни ундирилишига маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Вилоят Молия бош бошқармаси (Ф.Солиев) Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Рахмонов) билан биргаликда давлат мулки объектларини ижарага бериш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушадиган маблағларни назоратга олсин ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

10. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Д.Джумабаев) ва “Фарғона ҳақиқати” - “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (М.Обидов) мазкур қарорни расмий эълон қилсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.


12. Мазкур қарорни қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2020 йил 27 январдаги 39-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Х.Бозаров**



**Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун  
белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари**

**(Бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг  
1 кв.метр сўм ҳисобида 2021 йил учун)**

№	Ижарачиларни фаолият турлари	1 кв.м. Шаҳар ва туманлар (Фарғона шаҳардан ташқари) учун йиллик ижара ставкаси	1 кв.м. Фарғона шаҳар учун йиллик ижара ставкаси
<b>САНОАТ</b>			
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	7 000	8 700
2	Кимёвий ишлаб чиқариш	7 000	8 700
3	Нефт-кимё саноати	7 000	8 700
4	Машинасозлик	7 000	8 700
5	Дастгоҳсозлик, машинасозлик ва асбобсозлик саноати	7 000	8 700
6	Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	7 000	8 700
7	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	5 800	7 100
8	Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	5 800	7 100
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати	5 800	7 100
10	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	7 000	8 700
11	Метал конструкция ва буюмлар саноати (токарик хизмати)	7 000	8 700
12	Машина ва ускуналар таъмирлаш	7 000	8 700
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	7 000	8 700
<b>Енгил саноат</b>			
14	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	7 000	8 700
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	7 000	8 700
16	Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати	7 000	8 700
17	Мебель ишлаб чиқариш, эшик ва ромлар (ёғочдан)	21 300	26 100
18	Қурилиш материаллари саноати	7 000	8 700
<b>Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати</b>			
19	Тўқимачилик саноати	7 000	8 700

20	Тикувчилик саноати	7 000	8 700
21	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	7 000	8 700
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	7 000	8 700
	<b>Озиқ-овқат саноати</b>		
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	7 000	8 700
24	Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати	7 000	8 700
25	Балиқ маҳсулотлари саноати	7 000	8 700
26	Ун ёрма (тегирмончилик) ишлаб чиқариш саноати	7 000	8 700
27	Комбикорм (омухта ем) саноати	5 800	7 100
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	7 000	8 700
	<b>Саноатнинг бошқа сохалари</b>		
29	Тиббиёт саноати	7 000	8 700
30	Полиграфия саноати	20 000	21 195
31	Кийим-кечак, ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш.	8 500	10 600
32	Саноатни хўжалик бошқаруви	20 000	24 400
	<b>Қишлоқ хўжалиги</b>		
33	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 гектар ер майдони учун	2 839 400	3 477 000
34	Чорвачилик ва паррандачилик	3 500	4 200
35	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	2 839 400	3 477 000
36	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	1 845 800	2 260 400
37	Ветеринария хизматлари	7 000	8 700
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	7 000	8 700
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	2 839 400	3 477 000
	<b>Транспорт ва алоқа</b>		
40	Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти	7 000	8 700
41	Автомобил хўжалиги (автосарой, таксисаройи, автобекатлар, гараж)	7 000	8 700
42	Автомобил хўжалиги (жарима майдони)	1 900	2 200
43	Автомобилларни ювиш шахобчаси	20 100	27 900
44	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари	25 900	27 900
45	Аҳоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизмати	12 900	15 700
46	Почта алоқаси	7 000	8 700
47	Курьерлик алоқа хизмати	14 100	17 400
48	Электр-симли алоқаси	14 100	17 400
49	Радио, уяли алоқа ва пейджир алоқа (махкамлаш периметри, технологик майдонлар ва иншоотлар билан)	59 700	73 100

	<b>Курилиш</b>		
50	Курилиш	7 000	8 700
51	Лойиха, лойиха қидирув ташкилотлари	7 000	8 700
52	Пластик ром ва эшиклар ишлаб чиқариш	33 500	51 200
	<b>Савдо ва умумий овқатланиш</b>		
53	Улгуржи савдо	20 000	24 400
54	Улгуржи савдо бозорлари (Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари)	51 000	62 600
55	Чакана савдо	20 000	24 400
56	Умумий овқатланиш	20 000	24 400
57	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш (фаст-фуд)	28 800	38 200
58	Китоб дўконлари	2 900	3 400
59	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	20 000	24 400
60	Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	31 200	38 200
61	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш	20 000	24 400
62	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	20 000	24 400
63	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	20 000	24 400
64	Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар	20 000	24 400
65	Реклама, кўргазмалар хизмати	20 000	24 400
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув муассасалари бўйича маслаҳат хизмати	20 000	24 400
67	Геология ва ер, сув ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизмати	35 400	43 500
68	Тахририят ва нашриёт	11 400	14 000
69	Метал чиқиндилари ва чиқинди (макалатура) хом ашёларини йиғувчи тайёрлов идоралари	11 400	14 000
70	Уй-жой коммунал хўжалиги (ХЎБ объектлари)	11 400	14 000
71	Мехмонхона хўжалиги	22 700	27 800
72	Ётоқхона	17 300	21 700
73	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	11 400	14 000
74	Сарторошхоналар, суръатхона, ателье, чевархона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси	17 300	21 000
75	Ломбард	25 700	31 500
76	Хаммомлар	34 200	41 900
77	Сауналар ва ховузлар (бассейнлар)	68 300	83 500
	<b>Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот</b>		
78	Соғлиқни сақлаш	14 100	17 400
79	Дам олиш ва саёхлик	14 100	17 400
80	Фитобар	9 800	12 100
81	Маданий-кўнгилочар марказлари (бильярд, ўйин	22 700	27 800

	машиналари, дискотека ва бошқалар)		
82	Жисмоний тарбия ва спорт	7 000	8 700
83	Дорихона	11 400	14 000
84	Кўзойнак ва тиббий асбоб-ускуналар сотиш дўконлари	18 000	29 300
85	Ижтимоий-дорихона муассасалари	9 200	12 400
	<b>Халқ таълими</b>		
86	Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	11 400	14 000
87	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	9 300	10 900
88	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	5 800	7 100
89	Умум таълим муассасаларида умумий овқатланиш хизматлари	7 000	8 700
90	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	5 300	6 200
91	Маданият ва санъат	20 000	24 400
92	Кўргазмалар	16 100	18 800
93	Мактабдан ташқари тарбия	5 800	7 100
94	Истирохат ва маданият парклари	14 100	17 400
95	Ботаника боғлари ва зоопарклар	14 100	17 400
96	Телевидения ва радиоэшиттириш редакциялари	14 100	17 400
97	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	22 700	27 800
98	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	8 500	10 600
99	Хайдовчилик мактаблари	10 100	15 500
	<b>Молия-кредит фаолиятлари</b>		
100	Молия, кредит ва нафақа таъминоти (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари)	20 000	24 400
101	Аудиторлик фаолияти	18 700	24 400
102	Банк фаолияти	20 000	24 400
	<b>Бошқа фаолият турлари</b>		
103	Суғурта ва нотариал хизматлар	20 000	24 400
104	Суд ва ҳуқук муассасалари	17 300	21 000
105	Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслаҳатхоналари	17 300	21 000
106	Жамоат бирлашмалари	5 600	7 100
107	Омборхона учун	20 000	24 400
108	Давлат корхоналари учун идора	8 500	10 600
109	Нодавлат муассасалари учун идора	31 200	38 200
110	Архив хизмати	7 200	10 600
111	Енгил ва бошқа турдаги автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	22 700	27 800
112	Лаборатория	14 100	17 400
113	Турли хизматларга пул тулаш (пайнет)	57 000	69 900

114	Маданий мерос булган бино ва иншоотларида савдо фаолияти	31 200	38 200
115	Маданий мерос булган бино ва иншоотларида умумий овкатланиш хизмати	27 300	33 400
116	Авиакасса (шу жумладан транспорт ва темир йул ва бошқалар)	31 200	38 200
117	Банкоматлар	284 500	348 400
118	Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш (кандолат маҳсулотлари: торт, кекс, пирожное ва бошқалар)	17 300	24 400

### Изоҳ:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилдаги 07/10-41-сонли йиғилиш қарорини 11 бандига асосан ҚВП-ларда очилган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихона шахобчаларига ижара ҳақининг “нол” тариф ставка қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги № 02/1-74-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Савдо бошқармаси тизими бўлимларига қарашли ёпиқ харбий шахарча ва узок горнизонларда жойлашган давлат кўчмас мулкни ижарага беришда ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сонли топшириғига асосан 2014 йил 1 августдан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (жумладан: Миробод тумани) бўйича “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати” ЎзЛиДеП Кенгашлари ҳамда “XXI аср” социал-сиёсий газетаси таҳририятлари учун Партиялар балансидаги давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси ўрнатилсин.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 834-сон қарори мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсияномасига асосан 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг “нол” ставкаси асосида берилди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2017 йилдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сон қарорига асосан Фарғона вилоятининг туман (шаҳар)лари ҳокимларига «Давлат мулкни ижарага бериш марказлари» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқарув органларига бириктириб берилган туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни), тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларни ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, истисно тариқасида, бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин, бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балансда сақловчиларга ажратмалар тегишли туман (шаҳар) бюджетига йўналтирилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларни тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ-3196-сонли қарорига асосан Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун спорт



йўналишидаги фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара ҳаққининг “нол” ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурининг 7-бандига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара тўловларининг 20 фоизга чегирилган ҳолда ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги № 609-20-сонли топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кейинчалик хўжалик ҳисобида фаолият юритилиши белгиланган давлат унитар корхоналарига шунингдек, бошқа бўлинмаларига Мудофаа вазирлигининг бино-иншоатлари, асбоб ускуналари, мебеллар ҳамда бошқа мол-мулклари ижара шартномалари доирасида бепул “ноль” ставкага ижарага берилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2017 йилдаги 687-сонли “Фарғона вилоятининг Марғилон, Кўқон шаҳарлари ва Риштон туманида хунармандчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Моҳир хунарманд” малака даражаси берилган хунармандларга бўш турган давлат объектлари ўн йил муддатга “нол” қийматда ижарага бериш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.03.2018 йилдаги 186-сонли қарорига асосан хунармандчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара тўловларининг 50 фоизга чегирилган ҳолда ҳисобланади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатда демократик янгиланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли Фармонида асосан Нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўш турган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида “Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари уйлари”ни ташкил этиш ва мазкур биноларга нодавлат ноτιжорат ташкилотларини ижара тўловини “ноль” ставкада жойлаштириш.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрда ўтказилган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги муҳим вазибалар тўғрисида”ги йиғилиш баёнининг 31-бандида “Йога марказлари”ни ташкил қилиш учун тадбиркорлик субъектларига имтиёз яратиш мақсадида давлат мулки ҳисобланган биноларнинг 100 кв.метригача бўлган майдонини 3 йилгача бўлган муддатга ижара тўловларисиз фойдаланишга бериш.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 247-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан фаолият кўрсатиш тури уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган ҳамда ишчилар сонининг учдан икки қисми ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга давлат мулки объектларидан фойдаланиш учун ижара тўловини белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгилаш.



Вазият ҳокимининг  
2021 йил « 13 » февралдаги  
сонли қарорига  
2- илова

**Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффицентлар**

№	Ижара объектларининг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Қўлланиладиган коэффицентлар	
		Шахар ҳудуди бўйича	Туманлар ҳудуди бўйича
1	Ижара объектнинг ҳудудий зоналари бўйича коэффиценти (Кз)	1,5	1,3
2	Ижара объектнинг қурилиш тури бўйича коэффицент (Кк)	-	-
	<b>Жумладан:</b>		
	-алохида турадиган бинолар учун	1,5	1,3
	-кўшимча қурилган бинолар учун	1,3	1,2
	-бинонинг том қисми учун, уяли алоқа компанияларининг биноларнинг том қисмидаги қурилмалар учун	0,4	0,4
	-чердак қисми учун	0,4	0,3
	-болахона қисми учун	0,3	0,3
	-ярим ертўла ва алохида ертўла қисми учун	0,3	0,2
3	Туташ ҳудуддан фойдаланиш коэффиценти (техник майдон, деҳқончилик мақсадида ва хаказо) (Кх)	0,8	0,7
4	Ижара объектдан тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти (Ко) (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).	1,5	1,3

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c * K_z * (K_k + K_x + K_o)$$

Бунда:

T<sub>c</sub>—бир йилга бир кв.м. учун ижара тўловининг таянч ставкаси;  
E<sub>c</sub>—бир йилга бир кв.м. учун энг кам ижара ставкаси.